Аввало айтиш ўринлики, Кения почтаси фаолияти уч асосий йўналиш: почта, курерлик ва молиявий хизматларни ўз ичига олади.

Янги ташкил этилган почта корпорацияси XXI асрни ўзига яраша қийинчиликлар билан қарши олди. Олдинда нафақат почта жўнатмалари сонининг камайиб кетиши ва юқори рақобат кузатилаётган ташқи бозор муаммоси, шунингдек, ички муаммолар ҳам етарли эди. Самардорлиги паст эскича бошқарув усули, тажрибанинг етарли эмаслиги ва коррупция каби иллатлар почта фаолиятининг олға силжишига тўғаноқ бўлаётганди. Ана шундай шароитда Кения почтаси ривожланиш стратегиясини қабул қилди,



унда беш асосий корпоратив мақсад аксини топган.

Биринчидан, РСК Кения ва Шарқий Африкада пул ўтказмалари хизмати кўрсатиш бўйича етакчига айланиши, почта ва курерлик хизматларидаги улушнинг орттирмоғи даркор. Бу мақсадни ундада иккинчи вазифа — харажатларни қайта кўриб чиқиш ва камайтиришни йўлга қўйиш ёрдам беради. Учинчи мақсад — меҳнатдаги самарадорлик ва сифатни ошириш, автоматлаштириш ҳисобига почта ва курерлик жўнатмалари етказилишини тезлаштириш. Инсон ресурслари потенциалини ошириш тўртинчи мақсад қилиб белгиланган. Бу мақсад меҳнатдаги самарадорликни ошириб бешинчи мақсад — мижозларга кўрсатиш орқали корпоратив имижини яхшилашга хизмат қилади.

### ПОЧТА ХИЗМАТЛАРИ

Мамлакатнинг почта тўғрисидаги қонунда белгиланганидек, Кения почтаси-

нинг бош вазифаси мамлакат фуқароларига почта хизматлари кўрсатишдир. Айтиш керакки, бу хизмат кўрсатишдаги етакчилик — шаҳарлар доирасида почта бир кунда етказиб берилди, мамлакат шаҳарлари ўртасида эса хат-хабарлар икки кунда етказилапти. Бугунги кунда Кения почтасининг 900та почта бўлини маси фаолият кўрсатмоқда, аксарият фуқаролар ўз абонент қўтиларига эга бўлиб, почтани ўзлари олиб кетишди. Хонадонларга почтани етказиш унча оммалашмаган. Мамлакат почтаси хат-хабарлардан ташқари, реклама ёрлиқлари, тўлови амалга оширилган халқаро купонлар сотиш, халқаро почта авиажўнатмалари, халқаро тижорий хат-хабарлар етказиш билан ҳам шуғулланади. Шунингдек, мижозларга тўлови аввалдан амалга оширилган почта маҳсулотлари, почта жўнатмаларини рўйхатдан ўтказиш ва сугурталаш бўйича хизматлар кўрсатилмоқда.

### КУРЕРЛИК ХИЗМАТИ

Юқорида айтилганидек, почтани етказиш Кенияда яхши йўлга қўйилган, бироқ курерлик хизмати почтани янада тезроқ етказишни кафолатлайди. Шаҳарларда EMS курерлик почтаси орқали хат жўнатилса уч соатда, Кениянинг бошқа аҳоли масканлари ёки қўшни давлатларда бир кеча-кундузда етиб боради.

Давоми бор.



Кения почтаси рақамларида:  
Почтамактлар — 31та  
Почта агентликлари — 204та  
Почта бўлимлари — 900та  
Ходимлари сони — 4114 киши

### BOSHQARUV

#### ERICSSONNI КИМ БОШҚАРАДИ?

Financial Times газетасининг хабар беришича, Volvo автомобилсозлик компанияси собиқ ижрочи директори Лейф Йоханссон тармоқ аппарат қурилмалари таъминотчиси — Ericsson компаниясини бошқаришга даъвогарлик қилапти. Компаниянинг амалдаги раҳбари Майкл Тречоу ўтган йил декабрда истеъфо беришини маълум қилганди.

### TEKNOLOGIYALAR

#### ПРОФЕССИОНАЛЛАР УЧУН

SanDisk корпорацияси Extreme Pro деб номланган хотира картаси тақдимотини ўтказди. Карта имкониятлари бугунги кун учун рекорд кўрсаткич ҳисобланади: хотира сизими 128 Гб, маълумот ёзиш тезлиги 100 Мбит/сония.

Мазкур қурилма, биринчи навбатда, ўта юқори сифатли фото ва видеоларга тайёрловчи профессионалларга қўл келиши мумкин.

Хотира картаси RAW ва JPEG каби фото шакллари қўлайди, шунингдек, унда энг юқори ўлчамли видео (1920x1080), қолаверса, 3D-материалларни сақлаш мумкин.

### QURILMALAR

#### CDMA-iPhone

Apple ва Verizon компаниялари қўпдан бўён қўтилаётган тақдимотни амалга оширишди: iPhone смартфонининг CDMA-шакли чиқарилди.

Айтиш керакки, ушбу CDMA-телефон GSM/UMTS тармоқларида ишловчи iPhone 4дан деярли фарқ қилмайди. Фақат антенналари ва аппаратнинг баъзи хизмат функциялари фарқланади, холос.

АҚШда iPhone жуда оммалашиб борапти. Ўтган йил тўққиз ойида 11,1 миллионга iPhone сотилган бўлса, 2011 йилда яна 15 миллионга аппаратни сотиш режалаштирилган.

### INTERNET

#### МОБИЛ ИНТЕРНЕТ КЕНГАЙМОҚДА

Ericsson компаниясининг маълум қилишича, 2011 йили кенг полосали мобил интернет фойдаланувчилари сони икки бараварга кўпайиб бир миллиард кишига етиши кутиляпти. Компания экспертлари ҳисоб-китобларига қараганда, кенг полосали интернетдан фойдаланиш бўйича Жануби-Шарқий Осиё етакчи ҳудудга айланади (400 миллион фойдаланувчи). Йил охирига бориб Европа ва Шимолий Америкада фойдаланувчилар сони тахминан 200 миллион кишига етади.

2015 йилга бориб эса 3G ва 4G тармоқлардаги 21 Мбит/сония ва ундан юқори тезликдаги кенг полосали мобил интернетта уланган мижозлар сони 3,8 миллиард кишига етиши тахмин қилиняпти.

### IXTIROLAR

#### ПАТЕНТЛАР КИРОЛИ

IBM компанияси ихтирочилари 2010 йили АҚШда 5896та патент қўлга киритишди. Шу тариқа компания ўн саккиз йилдирки, жаҳонда етакчиликни сақлаб келмоқда.

2010 йилдаги патентлар қатор йўналишларни ўз ичига олади: касалликка янада аниқроқ ташхис қўйиш учун беморлар ҳақида бир нечта манбадан ахборот йиғиш, таҳлил қилиш ва ахборотга ишлов бериш усули; симсиз каналлар орқали ахборот таҳлили асосида йўл ҳаракати шароитини башорат қилиш тизими, зилзила ва бошқа табиий офатлар чоғида компютерлардан олинган маълумот асосида тезкор ҳаракатланиш тизими; электр сигналлари ўрнига ёруғлик импульслари ёрдамида маълумот алмашишни амалга ошириб ҳисоблаш тизимлари ишлаб чиқарувчанлигини ошириш ва ҳоказоларни санаб ўтиш мумкин.

Патентларни қўлга киритиш борасида кейинги ўринларни Samsung (4551), Microsoft (3094), Canon (2552), Panasonic (2482), Toshiba (2246), Sony (2150), Intel (1653), LG Electronics (1490) ва HP (1480) компаниялари банд этган.



## “UzNET” га уланганлар оз эмас

**“Сурхондарё Телеком” филиалининг кўплаб телекоммуникациялар боғламалари ўтган 2010 йилни муваффақиятли якунлашди. Энг муҳими, бу жамоалар ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларининг турмушга чуқур кириб боришини таъминлаш учун аҳоли билан янада яқин мулоқотда бўлишга ҳаракат қилишди. Натижада “Баркамол авлод йили Давлат дастури” доирасида сезиларли муваффақиятларга эришилди. Куйида мухбиримизнинг Шеробод телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Азамат Сатторов билан шу мавзудаги сўхбатини ўқийсиз.**

— Сизнинг ҳамроҳлигингизда Кўхтанг тоғи этагидаги олис қишлоқларда бўлган чоғимиз одамларнинг алоқа хизматидан мамнувлигини кўрдик?!

— Дарҳақиқат, уларнинг қувончи бежиз эмас. Истиқлол йилларида аввалги аналогли хизматдан воз кечилиб, замонавий электрон рақамли телефондан фойдаланишга ўтилган, тоғолди қишлоқларидаги мижозларимизга маълум муддат алоқа хизмати кўрсатиш борасида узилиш рўй берган эди. Баркамол авлод йили муносабати билан қабул қилинган давлат дастури бу “кемтиклик”ни тўлдиришга имкон берди. “ЎзМобайл”нинг Сурхондарё филиали ҳамкорлигида туман ҳудудидаги Пошхўрд, Кампиртепа, Хатак каби тоғолди қишлоқларида

симсиз алоқа воситалари ўрнатилди. Ҳозир йўлга қўйилган янгилик, ўзингиз гувоҳи бўлганингиздек, мижозлар узоғини яқин қилмоқда. Кампиртепалик Норҳамид Хўжаев қувончига биргаликда шерик бўлдик.

— Туман телекоммуникациялар боғламасига автоматик тарзда ишлайдиган дизел-генератор ўрнатилгани ҳам 2010 йилнинг муҳим воқеаларидан бири бўлибди. Унинг жаҳон андозасига мос муҳим жиҳатлари ҳақида сўзласангиз?

— Бажонидил. Туркиядан келтирилган бу қудратли жиҳоз электр энергияси таъминотида узилишлар рўй бериб турган бир шароитда ҳар томонлама фойда бермоқда. Илгари дизелчи штати бор эди. Янгилик сабаб унга ҳожат қолмади. Дизел генератор электр

энергияси узилиши билан автоматик равишда ишга тушади. Бу алоқа станцияси бир баҳа бўлсин тўхтамаслигига хизмат қилмоқда. Ўз навбатида, электр энергияси келиши билан ҳеч қандай кўмакисиз ўчати.

Дизел генераторнинг яна бир муҳим афзаллиги шундаки, ёнилгини жуда тежамли сарфлайди. Агар олдинги инсон бошқариб турадиган дизел бир соат мобайнида 20-21 литр ёнилги талаб этган бўлса, автоматик тарзда ишлайдиган дизел генератор бу муддатда атиги 4-4,5 литр сарфламоқда ҳоло.

Замонавий жиҳозга эга бўлганимиз туман аҳолисига хизмат кўрсатаётган уяли алоқа компаниялари шохобчалари жамоаларини ҳам қушнуд этди. Гап шундаки, уларнинг база станциялари биз орқали мунтазам ишлаб турибди.

— Шерободда “UzNET” га уланаётган оилалар ва жамоалар сафи кенгайиб бораётган экан, аини шу жараёнда сиз раҳбарлик қилаётган жамоанинг ўрни қандай бўлмоқда?

— Халқимизнинг турмуш фаровонлиги йил сайин ошиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир. Бугун Шерободдаги кўплаб хонадонлардан рангли телевизор, замонавий радио қатори компютер жиҳозлари ҳам ўз жойини топмоқда. Эътиборлиси, унинг соҳиб-

лари “UzNET” тизими орқали интернетга мурожаат этишмоқда. Ўтган йили юздан ортиқ оила ва жамоага шундай имконият эшиги очиб берилди. Айниқса, туманнинг “Галагузар”, “Ғам-бур”, “Ҷўйинчи”, “Тароқли” маҳаллаларида, Мустақиллик, Алишер Навоий, Абдулла Қаҳҳор ва Тошкент кўчаларида истиқомат қилаётган оилаларга кўпроқ хизмат кўрсатдик.

Галагузар маҳалласидаги шифокор Тўлабой Ҳимматов оиласида интернет саҳифаларига қизиқиш жуда катта. Оилада вояга етаётган фарзандлари ҳам аср машинаси орқали дунё янгиликларидан кенгроқ хабардор бўлишмоқда. “Орол-Файз-Сулаймон” хусусий фирмаси интернетга улангандан сўнг ҳамкорларини кўпайтирди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари ички ва ташқи бозорда сотилмоқда.


— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилинган 2011 йилдаги эзу ниятлар нимадан иборат?

— Белгиланган олинган режамизда самарали хизматимиз орқали Ватанимиз равнақиға янада кўпроқ ҳисса қўшишга эътибор қаратганимиз. Худди шу кайфият бизнинг рақобат майдонида ортда қолмаслигимизга имкон бераверади, деб умид қиламан.

*Нортожи ЗИЕВ сўхбатлашди*

## “АЛИ САБРИЙ” АДВОКАТЛИК БЮРОСИ

*Кадрли юртдошлар!  
Сизларни Ватан  
ҳимоячилари кун  
билан самимий  
муборакбод этамиз.  
Ватанимизнинг муқаддас  
сарҳадлари,  
халқимизнинг тинч ва  
осуда ҳаёти,  
мусаффо осмонимизнинг  
ишончли ҳимоясини  
таъминлашга қодир  
ўғлонларимиз борлигидан  
фахрланамиз!*



## Янгиликлардан хабарингиз борми?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, Сенати томонидан маъқулланган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2010 йил 22 декабрда имзоланган “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” қонуни 2011 йил 1 январдан қучга кирди.

Бу қонун билан ЎзР МКнинг 100-моддаси 2-қисми: “Ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда”, деган 7-банд билан тўлдирилди. Яъни, ходимнинг ёшга доир пенсиясини олиш ҳуқуқининг мавжудлиги у билан номуайян ва беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга тузилган меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишнинг асосли эканлигини билдиради.

Иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилишда ЎзР МКнинг 102-моддаси қоидаларига амал қилиши керак. Чунки бу модда шу қонун билан янги таҳрирда баён этилди, яъни: “Меҳнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд қорхонанинг тугатилганлиги муносабати билан (100-модда иккинчи қисмининг 1-банди), шунингдек, ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган тақдирда (100-модда иккинчи қисмининг 7-банди) бекор қилинганда камида икки ой олдин.” Демак, иш берувчи ходим билан меҳнат шартномаси ЎзР МКнинг 100-моддаси, 2-қисми, 7-бандига асосан бекор қилинганда камида икки ой олдин огоҳлантириши шарт.

ЎзР МК 102-моддасининг 2-қисмида ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан 102-модданинг 1-қисми 1-бандига камида 2 ойлик ва 2-бандига камида

2 ҳафталик огоҳлантириш муддатлари унинг муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкинлиги белгиланган. Бу қоида 102-модда биринчи қисмининг 7-бандига (ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган тақдирда) ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ бўларди деб ҳисоблайман.

Шунингдек ЎзР МКнинг 104-моддаси, “муддатли меҳнат шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда неустойка тўлаш” моддасининг биринчи қисмидаги “(100-модда иккинчи қисмининг 1-, 2-, 5- ва 6-бандлари)” деган сўзлар “(100-модда иккинчи қисмининг 1-, 2-, 5-, 6- ва 7-бандлари)” деган сўзлар билан алмаштирилди.

Бу, ўз навбатида, муддатли меҳнат шартномасида уни муддатидан олдин бекор қилганлик учун тарафларнинг неустойка тўлаши ҳақидаги ўзаро мажбуриятлари назарда тутилган бўлса, иш берувчи ходимга неустойка тўлайди.

Меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинаётганлиги муносабати билан ЎзР МКнинг 109-моддасига асосан ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

Шу билан бирга, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилишда Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” қонунининг 7-моддасига асосан бир пайтнинг ўзида икки муҳим фактнинг мавжудлигини эътиборга олишлари зарур. Булар биринчидан, эркакнинг 60 ёшга, аёлнинг 54 ёшга тўлганлиги ва иккинчидан, уларда 25 ёки 20 йиллик меҳнат стажининг мавжудлигидир. Бу билан иш берувчи келиб чиқадиган меҳнат низоларининг олдини олган бўлади.

**Маҳмадали ТУРҒУНОВ,**

*“Али Сабрий” адвокатлик бюроси*

*(собиқ “Адолат кучи” адвокатлик фирмаси)*

*директори, адвокат*



# Таълимда инновацион технологиялар

**2011 йил 6 январ кун И Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзудаги маърузасини профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ўртасида янада кенг тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан тайёрланган ўқув-услубий мажмуанинг тақдироти бўлиб ўтди.**

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ўтказилган ушбу тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазири, вазирликнинг мутахассис вакиллари, республикадаги барча олий таълим муассасаларининг иқтисодий йўналишдаги факултетлари деканлари ва кафедра мудирлари, университетнинг профессор-ўқитувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича бир қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Концепцияда белгиланган эркин

ҳуқуқий-демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги устувор йўналишларни кенг жамоатчилик, хусусан, олий таълим тизимида ўрганиш, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари, қонун устуворлиги, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш каби жамиятнинг бир қатор соҳаларига доир қонунчилик ташаббусларининг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдириш ва уларда дахлдорлик ҳиссини шакллантириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Айни шундан келиб чиқиб, Концепцияда илгари сурилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва янги поғонага олиб чиқишга қаратилган концептуал ташаббусларни профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ўртасида кенг муҳокама қилиш, унинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш мақсадида Олий

ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўқув-услубий мажмуа яратилди. Унда Концепцияни олий таълим тизимида кенг ва атрофлича ўрганиш масалаларига бағишланган ўқув дастури, ўқув қўлланма, таълим технологияси, назорат саволлари, тестлар, глоссарийлар жамланган.

Шунингдек, анжуман доирасида республика олий таълим муассасаларининг иқтисодий йўналишдаги факултетлари деканлари ва кафедра мудирлари учун навбатдаги VII илмий-услубий семинар ташкил этилди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ташаббуси билан аънаваный тарзда ўтказиб келинаётган ушбу анжуманда иқтисодий таълим модернизацияси ва инновацион электрон ахборот-ресурс таъминоти истиқболларига оид масалалар муҳокама қилинди.

Хусусан, иқтисодиёт соҳасига доир қонунчилик, ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон ахборот-ресурс манбаларидан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан илмий-инновацион ҳамкорлик натижаларини ўқув жараёнида қўллаш, иқтисодий таълимни модернизациялаш ва унга инновацион технологияларни жорий этишнинг долзарб масалалари, "Иқтисодиёт ва бизнес" таълим соҳасида электрон ўқув адабиётлари ва ўқув-услубий мажмуалар яратиш борасидаги мавжуд тажриба хусусида муҳокама қилиб ўтди.

Айтиб ўтиш керакки, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида республика иқтисодиётига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини камайтириш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш имкониятини берди, иқтисодий ўсишнинг юқори барқарор суръатлари таъминланмоқда. Бошланган 2011 йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши ушбу йўналишдаги фаолиятни янги босқичга қўтариши, шубҳасиз. Шу маънода қайд этиш керакки, бу, ўз навбатида, жамиятнинг

турли соҳаларига кадрлар тайёрлаётган олий ўқув юртлири зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Зеро, иқтисодиётни янада ривожлантириш, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самарасини таъминлаш кўп жиҳатдан малакали кадрларнинг замонавий билим ва профессионал малакага, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши муҳимдир.


Мазкур анжуманда ҳам олий таълим даргоҳларида талаба-ёшларга иқтисодий йўналишда билим бераётган, уларнинг касб маҳоратини шакллантиришга, етуқ ва малакали кадрлар сифатида камол топишига ҳисса қўшаётган профессор-ўқитувчиларнинг соҳада қўлланган киритган ютуқларини оммалаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилдики, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида электрон таълим тизимини амалга кенг жорий этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилган, хусусан, 500дан ортиқ электрон ўқув-услубий мажмуалар, қўлланмалар базаси яратилди. Университет электрон кутубхонасида 20000га яқин ўқув адабиётлари, жумладан, 1500дан ортиқ электрон ўқув адабиётлари ва ўқув-услубий мажмуалар яратилиб, талабалар элибборига ҳавола этилган.

Шу билан бирга, университет профессор-ўқитувчилари томонидан Тошкент шаҳридаги ўрта олий таълим муассасасининг 120дан ортиқ ўқитувчилари учун замонавий таълим технологиялари, интернет ва электрон алоқа ҳамда хорижий тилларни қўқур эгаллаш борасида етти кунлик семинар-тренинглр ташкил этилди.

Семинар иштирокчилари Тошкент давлат иқтисодиёт университети факултетлари ва кафедраларида замонавий таълим стандартлари асосида олиб борилаётган ўқув ва илмий-услубий ишлар натижалари, хусусан, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича яратилган электрон дарсликлар, ўқув-услубий мажмуалар таъминоти масалалари билан танишдилар. Муҳокама қилинган мавзулар юзасидан ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашдилар.

ТДИУ Мамбуот хизмати



## Маънавий соатларида ноанъанавий усуллар

Маълумки, маънавий ҳеч бир соҳани четлаб ўтмайди. Қайси соҳани олмайлик маънавийнинг муҳим ўрнини кўрамиз. Хоҳ у муҳандис бўлсин, хоҳ у шифокор, хоҳ ҳарбий бўлсин, қўйинги, қайси касб эгаси бўлишдан қатъи назар, у юксак маънавий соҳиб бўлиши керак. Ана шундагина жамият тугал, бир бутун бўлади. Маънавиятни юксалтиришда ота-боболаримиз қолдирган тарихий, адабий, маданий мероси катта аҳамият касб этади. Бундан кўринадики, маънавий бутунги сиёсатимиз, мафкураимизнинг, таълим-тарбиянинг бош мезонига айланган. Маънавий тушунчаси остида ёшларнинг билими, заковатли бўлиши билан бирга, юксак ахлоқли ва одобли бўлиши назарда тутилган. Зеро, халқимиз бекорга "Олим бўлма, одам бўл" демаган.

Утган йилнинг Баркамол авлод йили деб аталishi ҳам комил ва етуқ шахсни тарбиялаш борасидаги улкан қадамлардан бўлди, десак алашмаймиз, негаки, комил инсон гоёси бутун пайдо бўлган янги гап эмас, балки, аждоқларимизнинг азалий орзуси бўлиб келган. Аҳмад Ясавий, Исмоил Бухорий, Ат-Термизий, Навоий ва Бобур ижодининг асосий гоёси ҳисобланган. Улар барчаси инсонларни комилликка чорлаб ижод қилган. Нодиран Даврон бекорга ўзига Комила деб тахаллус танламаган. У одамларни ҳақиқий маънода

инсон бўлишга даъват қилган.

Биз талабаларга таълим бериш билан бирга тарбиянинг нозик қирраларини ҳам шакллантиришимиз керак. Ана шу маънода олий таълимда олиб бориладиган маънавий тарбиянинг аҳамияти каттадир.

Маълумки, «Маънавий соатлари» олдиндан тузилган режа асосида олиб борилади. Биз гуруҳ мураббийлари режалаштирилган материаллар билан кифояланмасдан, ўз фикр-мулоҳазаларимиз, ҳаёт тажрибаларимиз, нуқтан назарларимиз билан аудиторияда жонли мулоқотни яратишимиз лозим.

Бугунги кунда таълимда демократизациялаш мақсадида янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланилмоқда. Мавзу ҳақида ўқитувчи ўқиб бериши, тушунтириши ёки матбуотда чиққан материални шарҳлаб бериши мумкин. Бу ҳам тўғри. Бун ҳеч ким инкор этмайди. Бу таълимнинг аънаваный усули, бунда фаоллик ўқитувчи томонидан бўлади, талаба фақат тинглайди. Лекин мақсад талабанинг мустақил фикрларини шакллантиришдан иборатку. Шунинг учун биз кўпроқ таълимнинг ноанъанавий усулини танлашимиз керак бўлади.

Масалан, "Мустақиллик — менинг тақдиримда" деган мавзуни кластер усулида тушунтириш. Бунда гуруҳ мураббийи айлана ичига мавзудаги асосий ту-

шунчаларни ёзади. Бу ҳақда ҳар бир талабанинг ўз фикри, ўз тушунчасини сўраб, ёзиб чиқади ва дарс сўғида барча фикрларни умумлаштиради. Бу билан дарс пайтида талабанинг бекор бошқа нарсаларни ўйлаб ўтиришига йўл қўймайди.



Яна бир усул "БББ" стратегия усули. Бу усулда гуруҳ мураббийи навбатдаги, масалан, "Қомусимиз — номусимиз" деган мавзуни айтади ва доскани уч қисмга бўлиб

1. Билар эдим.
2. Билиб олдим.
3. Билмоқчиман.

деб ёзиб чиқади. Бу усул ўқитувчини ҳам, талабани ҳам янада биргаликда изланишга мажбур қилади. Ҳар бир талаба ўзининг мустақил фикрини билдирганидан сўнг, уни асослаб бериши шарт. Шунда талабаларнинг нутқи ва фикрлаши ўсади.

Маънавий ҳақида қанча гапирсак кам, бу тугалланмайдиган мавзу.

Юқоридаги усуллар нафақат "Маънавий соатлари", балки бошқа фанларда қўлланса ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Маҳбуба СУЛТОНОВА,  
ТАТУ "Радиоалоқа қурилмалари  
ва тизимлари" кафедраси катта ўқитувчиси



## "Қушлар — бизнинг дўстларимиз"

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, Ўзбекистон бадиий академияси ва Ўзбекистон қушларни ҳимоя қилиш жамияти ҳамкорлигида 2011 йил 15 январдан 15 мартгача "Қушлар — бизнинг дўстларимиз" болалар ижодий расмлари республика танлови ўтказилади.

"Қушлар — бизнинг дўстларимиз" танлови мақсади "Дунё болалар нигоҳида" махсус почта маркалари туркумини чоп этиш учун ҳамда

усиб келаётган ёш авлодни филателияга қизиқтириш ва жалб этиш, уларнинг почта маркалари чоп этилишига диққатини жалб қилишдир.

Танловни 2011 йил 25 мартгача якунлаш ва голибларни 2011 йилнинг 1 июнида болалар ижодий ишлари (расмлари) асосида чоп этилган почта маркаларини Тошкент шаҳрида ташкил этилаётган тантанали махсус сўндириш маросимида тақдирлаш режалаштирилган.

## ➤ FARZANDINGIZGA O'QIB BERING!

### ҚИЗИЛ ЧИРОҚ

(ДАН ходимлари тилидан)

Агар соғлом бўлай десанг,  
Қондани билдиш керак.  
Қайси жойдан ўтишликка,  
Қатъий амал қилиш керак.

Соғ-саломат кўча-кўйда,  
Юргин дейман бўлиб огоҳ.  
Сўзларимга қулоқ солсанг,  
Саломатлик сенга ҳамроҳ.

Қизил чироқ ёниб турса,  
Шошма, навбат кутиб тургин.  
Яшил чироғ ёнар бўлса,  
Йўлинг очиқ, энди юргин.

Йўл тартибни яхши билсанг,  
Кўнгилсиз ҳолда қолмайсан.  
Машина ҳайдовчисин ҳам,  
Ёмон аҳволга солмайсан.

### ЧОРРАҲА

(Болалар тилидан)

Айтган сўзингиз  
Бизларга фойда,  
Фақат юрамыз  
Сиз айтган жойдан.  
Ватан биз учун  
Белин боғлаган,  
Барча имконни  
Шунга чоғлаган.  
Тинчимизни деб  
Сиз ҳам юрибсиз,  
Чорраҳаларда  
Бардам турибсиз.  
Йўл қондасин  
Гар бузса биров,  
Тартибга солиб  
Кўясиз дарров.  
Чунки фалокат  
Бўлмасин дейсиз,  
Доимо хушёр —  
Фамимиз ейсиз.  
Сиз айтган сўзга  
Қилгаймиз амал,  
Йўл қондаси —  
Дастуриламал.  
Уни ўрганиб,  
Билиб оламиз,  
Сизга ёрдамчи  
Бўлиб қоламиз.

Миржамол МИРЁҚУБОВ,  
тиббиёт фанлари доктори,  
профессор



## МИЛЛИОНЛАР ЭГАЛАРИНИ ТОПДИ

"Билайн" компаниянинг амалдаги ва янги абонентлари учун ўтказилган суперакциянинг 30-уйини натижаларини эълон қилди. 2010 йилнинг 30 декабр куни FM 101 "Ўзбекистон таронаси" радиосининг жонли эфирини бўлиб ўтган яқиний ўйин "Билайн"дан ўз миллионларини ютиб олган охириги омалди еттиликни аниқлаб берди.

Қўшиқчи Азиз Ражабий комиссия аъзоларига суперакция 7-миллиони эгаларини аниқлашга кўмаклашди. Бу сафар миллионлар Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона ва Жиззах вилоятларида етти нафар абонентга насиб қилди.

Мазкур воқеани шарҳлар экан, "Юнител"нинг жамоатчилик билан алоқалар хизмати катта менежери Ораз Абдуразоқов шундай деди: "Совғалар тақсимотининг якуний босқичида суперакциянинг барча трендлари акс этди: ўйналган 210 миллиондан катта қисми Тошкент ва Фарғона абонентларига насиб қилди. Жиззах вилояти эса 2010 йил суперакцияси голибининг ватани сифатида лойиҳа тарихига кирди".

Эслатиб ўтамиз, лойиҳа бош соврини эгаси "Ёшлар" телеканали бошловчиси Шаҳноза Усмонова ва таниқли қўшиқчи Алишер Турдиев (Файз) иштирокида аниқланган эди. У Жиззах вилоятидан Бекзод Сиддиқов бўлиб, унга "Chevrolet Captiva" автомашинаси тақдим этилди.



# Хабар да

## рекламани жойлаштириш

Телефонлар: 288-40-66, 288-40-69.  
Факс: 288-40-72.  
E-mail: info@xabar.uz



### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Фарғона Телеком" филиали жамоаси Кўқон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ходими Холмирза ҚОДИРОВни муборак 60 ёши билан самимийи қутлайди. Унга мустақкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар камоллини кўришликни тилайди.

## ➤ FAXRIYLAR — FAXRIMIZ

Ибратли умр кечириб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган Ёқубжон ака Муллаев чин маънода алоқа хизмати фахри бўлиб қолган.

— Оддий деҳқон оиласида таваллуд топганман, — дея ҳикоя қилади Ёқубжон ака. — Тошлоқ туманидаги Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги далаларида суягим қотди. Аммо фикру зикрим техникани ўрганиш, радио, телефон каби узоқни яқин қилиш воситаларидан фойдаланувчилар сафида бўлиш эди. Қишлоғимиздаги мактабни битириб, Тошкент шаҳридаги радио мутахассислари тайёрлаш мактабига ўқишга кирдим. У ерда бир йил устозлардан сабоқ олиб, малака оширдим. 1955 йилдан қишлоғимиздаги радиоузелни бошқариб, 600та радионукта бенеқсон ишлашини таъ-

## Ибратли умр

минладим.

Ҳа, ҳали у даврларда алоқа тармоғи эски усулда ташкил этилганди. Масалан, жамоа хўжалиги бўйича атиги битта телефон аппарати идорага ўрнатилган бўлиб, бир киши доимо шу ерда навбатчилик қиларди. "ЦБ" русумли ана шу телефон аппарати орқали туман марказига кўнғироқ қилиш, яъни коммутатор билан боғлангач, у орқали бошқа ҳудуддаги керакли одамлар билан сим орқали гаплашиш мумкин бўларди. Ёқубжон Муллаев ана шу йилларда телефон алоқасини йўлга қўйиш ва радиоэшиттиришларни бехато амалга ошириш учун сидқидилдан ишлади. 1960 йилдан 1963 йилгача Тошкент алоқа техникумида ўқиб келиб, 1963 йилда Марғилондаги шаҳарлараро телефон станциясида 1964 йилда Тошлоқ туманида янги қурилаётган УАТСни монтаж қилишда иштирок этди ва радиоузел ишини йўлга қўйди. Сўнгра вилоят алоқа бошқармаси раҳбарияти топшириғига кўра Қува туманида 1964—1965 йилларда электроцех бошлиғи, Фарғона тумани алоқа узелида 1966 йилда раҳбар, бир йилдан сўнг Охунбобоев тумани АТСида бошлиқ ўринбосари, сўнгра раҳбар лавозимида фаолият кўрсата бошлади. У 1974 йилдан 1977 йилгача ишлаб, 300та рақамли АТС аппаратларини Марғилон шаҳридан кўчириб келтириб, алоқа симларини миқозлар хонадонларига тортишга қадар барча ишларда бош бўлган.

Ҳар соҳада изланувчан, фидойи мутахассис Ё.Муллаевни ўша йили май ойида Марғилонга ишга таклиф этишди. Чунки бу ерда минг рақамли янги АТС қурилиши бошланган эди. Лойиҳалаш ишларини амалга ошириш, мавжуд икки минг рақамли АТСлар ишини талаб даражасида йўлга қўйишда Ёқубжон Муллаевнинг билими, кўп йиллик тажрибаси қўл келди, албатта. У бир неча йиллар давомида цех бошлиғи, хавфсизлик техникаси муҳандиси, муҳандис, бош муҳандис вазифаларида сидқидилдан ва ҳалол меҳнат қилди.

Устозлари А.Чумаченко, Н.Алтухов, Н.Лучихин каби ўз касбининг билимдонларидан ўрганганларини ёшлар билан баҳам кўрди. Айни кунларда унинг Анвар Тожибоев, Абдурахим Маллабоев, Ином Исақов, Бахтиёр Гафуров, Абдивоҳид Матқулов, Рўзимухаммад Сотволдиев сингари шоғирлари Марғилон, Тошлоқ, Ёзёвон, Қўштепа туманларидаги алоқа боғламаларида устоз ўғитларини бажариб, фаолият кўрсатишяпти.

Устоз алоқачининг ўли Фуломжон ҳам ўн йилдан буён электромеханик вазифасида ишламоқда. Ёқубжон ота ҳозир 70 ёшдан ошган бўлса ҳам соҳа мутахассисларига қимматли маслаҳатлар беришдан чарчамайди. Турмуш ўртоғи Дилоромжон мактабда ўқитувчилик вазифасида кўп йиллар ишлаб, қарилик нафақасига чиққан. Улар бахтли ҳаёт кечириб, икки ўғил, икки қизни воёга етказдилар. Фарзандлар халқ хўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат қилишмоқда. Отахон невар ва чеваралари ардоғида.

Эзгулик умидида умргузаронлик қилаётган отахон "Хотин куми" маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли сифатида маросимларни камчиқим, камхарж, исрофгарчиликсиз ўтказиш кераклигини аҳолига тушунтириб келяпти.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Янгиқўрғон почта алоқаси тармоғи ходими Муҳаммадумар РОЖИЕВИ 55 ёшга, Водил почта алоқаси тармоғи ходими Чинниҳон ШАРИПОВА ҳамда Кўқон почта алоқаси тармоғи ходими Мурод ИСМОИЛОВНИ 50 ёшга тўлишлари муносабати билан чин дилдан табриклайди. Уларга соғлиқ, узоқ умр, хонадонларига файз-баракат тилайди.





## Осиё кубоги:

# ЧИРОЙЛИ ЎЙИН ВА ИККИ ҒАЛАБА

**Осиё Кубогининг очилиш учрашувида майдон эгалари — Катарга қарши баҳс олиб борган Ўзбекистон терма жамоаси ишончли ғалабага эришди. Анчадан буюн терма жамоамиз ижросида бундай ўйинни кўрмай келаётган эдик.**

Учрашувдаги илк хавфли вазият Нестеров дарвозаси олдида қайд этилган бўлсада, биринчи бўлим тўлиқ Ўзбекистон терма жамоаси устунлигида ўтди. Аввалига Гейнрихнинг зарбаси дарвоза устунига тегиб қайтди. Шундан сўнг ҳамюртларимиз яна бир неча бор шундай хавфли вазиятга юзага келтиришга муваффақ бўлишди. Асосий ҳужумларимиз Жасур Ҳасанов қанотидан амалга оширилди. Жасур кўп ҳолларда қулай имкониятлардан фойдалана олмади.

Иккинчи бўлимда ҳужумларда аниқлик ортди. Мусобақанинг биринчи голини терма жамоамизда марказий ҳимоячи ролини бажараётган Одил Аҳмедов 30-35 метр масофалардан киритди. Тўққизликка жойланган тўп турнирининг энг чиройли голларидан бирига айланишига шубҳа қилмас ҳам бўлади.

Иккинчи голда рақиб футболчиси адашиб, Серверга имконият яратиб берганини ҳамма кўрди. Сервер ҳам бу ўринда аjoyиб зарба билан ҳисобни икки баробар йириклаштирди. Бу вазиятда футболчиларимизнинг рақибга нисбатан прессинг уюштиргани ўз самарасини берди.

### КАТАР — ЎЗБЕКИСТОН — 0:2

**Голлар:** Одил Аҳмедов, 58; Сервер Жепаров, 77

Ўзбекистон миллий терма жамоаси гуруҳ босқичининг 2-турини аламзада Кувайт терма жамоасига қарши ўтказди.

Учрашувни кувайтликлар фаолроқ бошлашди. Дастлабки беш дақиқа давомида Горан Туфегич шогирдлари Ингнати Нестеровни камидан икки марта хавотирга солишди. Биринчи учрашувда Хитой терма жамоасига имкониятни бой бериб, қийин бир аҳволга тушиб қолган кувайтликлар имкон қалар тезроқ дарвозамизни ишғол қилишга ҳаракат қилишди. Абрамов

шогирдларининг Кувайт дарвозаси томон илк ҳужуми гол билан яқунланиши мумкин эди. Аммо Одилнинг бош билан берган зарбаси ноаниқ кетди.

Биринчи бўлимнинг охирида вакиллари-миз рақибларга тўпни умуман бермай қўйишди. 40-дақиқада Александр Гейнрих Кувайт терма жамоаси жарима майдончасига яқин жойда кўполлик билан тўхтатиб қолинди. Жарима тўпини Максим Шацких амалга оширди, тўп жонли деворга "суқилиб" олган Азиз Ҳайдаровнинг елкасига тегиб, дарвозабон Наваф ал-Холидийни чалғитиб, дарвозага бориб тушди.

Иккинчи бўлим бошидаоқ тўп ўтказиб юбордик. Майдонга тушганига бир дақиқа ҳам бўлмаган Ҳамад Нойифни Анзур Исмоилов ўз жарима майдончамиз ичида чалиб йиқитди. Пеналтни Бади ал-Мутва аниқ амалга оширди — 1:1.

Голдан сўнг терма жамоамиз таркибида дарҳол ўзгариш амалга оширилди. Максим Шацких ўрнига Жасур Ҳасанов майдонга туширилди. Абрамовнинг бу ўзгартириши, қутилганидек, ўз самарасини берди. 65-дақиқада Сервер Жепаров майдон марказида тўпни эгаллаб олиб, чап қанотда тайёр турган Жасур Ҳасановга узатди. Ҳасанов тўпни қайта Жепаровга аниқ етказиб берди. Тўпни тўхтатмасдан берилган зарба чиройли голга айланди.

### ЎЗБЕКИСТОН — КУВАЙТ — 2:1

**Голлар:** Максим Шацких (41), Сервер Жепаров (64) — Бади ал-Мутва (49).

Иккинчи турдан сўнг терма жамоамиз 6 очко билан гуруҳда яқка пешқадам бўлиб турибди. Катар ва Хитойда 3 очкодан бор. Сўнгги турда хитойликлар билан дуранг натижа ҳам бизни чорак финалга олиб чиқади.



## Теннисчиларимиз — кейинги босқичда

Ҳиндистоннинг Чандигарх штатида теннис бўйича ўсмирлар ўртасида давом этаётган Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимида киритилган халқаро турнирда ўзбекистонлик ёш ракетка усталари муваффақиятли иштирок этмоқда.

Яққалликлар ўртасида ҳамюртимиз Абдуворис Саидмухаммедов дастлабки учрашувда мезбонлар вакили Яш Дешпандени 6:1, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Яна бир теннисчимиз Темур Исмоилов Аржун Кадхедан 6:0, 6:2 ҳисобида устун келди ва бош соврин учун курашни давом эттирадиган бўлди.

Жуфтликлар мусобақасида юртдошимиз Шухрат Гизатулин Франциялик Энсо Кукад билан ҳамкорликда мезбонлар — Дигвижай Нарука ва Ранжит Сингх дуэти устидан 6:2, 6:0 ҳисобида зафар кучди.

## Кураш: Тюменга медаллар олиш учун

Келаётган дам олиш кунлари Россиянинг Тюмен шаҳрида Иван Поддубний хотира турнири — Гран-при тоифасида юнон-рум кураши бўйича халқаро мусобақа старт олади.

Бош мураббий Александр Доктуришвили жамоамиз таркибига Элмурод Тошмуродов (55 кг), Санжар Жунашев (60 кг), Баҳодир Янгибоев, Владимир Пагудин (иккаласи — 66 кг), Азиз Муродов, Всеволод Михайлуцкий (иккаласи — 74 кг), Мумин Абдуллаев (96 кг) ҳамда Сослан Фариев (120 кг)ни киритди.

Турнирнинг ҳакамлик корпусида бошқа арбитрлар билан бирга, ўзбекистонлик халқаро тоифадаги рефери Ғайрат Абдуллаев ҳам қатнашди. Голли ва совриндорлар 16 январда маълум бўлади.

## ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 4 декабрдаги "Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманининг номини ўзгартириш тўғрисида"ги 133-П-қарорига ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2010 йил 15 декабрдаги 713-қарорига, "Ўзбек-телеком" АҚнинг 2011 йил 4 январдаги мажлис баённомасига асосан "Собир Раҳимов телефон боғламаси"нинг номи "Шайхонтоҳур телефон боғламаси" деб ўзгартирилди.

## Месси ва Моуринио 2010 йилда тенгсиз!



10 январь кунини Швейцариянинг Цюрих шаҳрида «Олтин тўп» совринининг эгаси маълум қилинди. ФИФА ва Франциянинг «France Football» нашри ҳамкорлигида ташкил этиладиган мазкур сўров яқунларига кўра, 2010 йилдаги дунёнинг энг яхши футболчиси дея Месси топилди.

Бу сўровда «Барселона» футболчиси ўз жамоадоншлари Хави ва Инесталарни ортда қолдирди.

Месси 2009 йили ҳам ушбу совринга эга чиққанди.

Тадбирда йилнинг энг яхши мураббийи ҳам эълон қилинди. Унга кўра, Жозе Моуринио 2010 йилнинг энг яхши мураббийи деб топилди.

## Йилнинг рамзий терма жамоаси

«Олтин тўп» тақдими то маросими давомида йилнинг рамзий терма жамоаси ҳам эълон қилинди. Унга олти нафар «Барселона» аъзосининг киритилгани алоҳида эътирофга моликдир. Шунингдек «Интер» клубидан ҳам уч нафар футболчи рамзий терма жамоа аъзоларига айланганлар.

Дарвозабон: Икер Касилас («Реал», Испания);

Ҳимоячилар: Карлес Пуйол, Херард Пике (иккиси ҳам — «Барселона», Испания) Луисо, Майкон (иккиси ҳам — «Интер», Бразилия);

Ярим ҳимоячилар: Андреас Инеста, Хави (иккиси ҳам — «Барселона», Испания), Уэсли Снейдер («Интер», Голландия);

Ҳужумчилар: Криштиану Роналду («Реал», Португалия), Лионел Месси («Барселона», Аргентина), Давид Виля («Барселона», Испания).

## Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

"Қорақалпоқ Телеком" филиали жамоаси Нукус шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлигининг ўринбосари **Кенесбой ЖАЛГАСБАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси "Фалсафа" кафедраси катта ўқитувчиси **Ғалия Халиқова**га отаси **Алоп АЗАМАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



# "ALSKOM"

СУФУРТА КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

**Юртдошларимизни**

**14 январ – Ватан химоячилари куни билан муборакбод этади.**



**Ватан химоячилари бор экан юртимиз, оиламиз, наинки, хар бир кунимиз тинч ва осудадир.**

**Азизлар!**

**Хаётингиз доимо шараф ва зафарларга тўлик бўлсин. Ватанимиз осмони мусаффо бўлиши учун хар доимгидек ўз куч-гайратингизни аяманг!**

## Xabar

МУАССИС:

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ**

**Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ**

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Хайъат раиси), Асаджон ХҲЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувои НАЖБИДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❌

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,  
Бунёдкор шоххўчаси, 8-уй.  
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.  
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.  
Навбатчи: Усмоғжон ЙҲЛДОШЕВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-102 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 18302 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85 Гулистонда 40-12-19 Жиззахда 226-06-34 Навоийда 225-91-10 Наманганда 226-61-85 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 233-61-81 Термизда 224-06-12 Тошкентда 288-40-66 Урганчада 226-37-16 Фарғонада 726-87-71 Қаршида 314-08-99